

Ҳадис дарслари (226-дарс) Таҳорат ҳақида



19:00 / 12.04.2023 2160

يَضْرِبُ يَبْنِي لِي بَارِعًا عَاجِ
ءُؤُضُّوْا نَعُ هُ لَأَسِي هُنَعُ هَلَلَا
أَذَكَه : لَأَقِ مُمْ ثَأَلَا ثَأَلَا ثَأَرَأَفُ
دَقَفُ آذَه يَلَعُ دَازُ نَمَفُ ءُؤُضُّوْا
هُ آوَر . مَلَطُو يَدَعَتَ وَءَأَسَأُ
دُوَادُ وَبَأُو دَمَحَأُو يَأَسِنَلَا
وَآَأَذَه يَلَعُ دَازُ نَمَفُ : هُظَفَلَوُ
مَلَطَوُ وَءَأَسَأُ دَقَفُ صَقَنُ

Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига таҳорат ҳақида сўраб келди. Бас, унга уч марта-уч мартадан

кўрсатдилар. Сўнгра:

«Таҳорат мана шундай, ким бундан зиёда қилса, батаҳқиқ, ёмон қилибди, ҳаддан ошибди ва зулм қилибди», дедилар».

Насий, Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

У (Абу Довуд)нинг лафзида:

«Бас, ким бундан кўп ёки кам қилса, батаҳқиқ, ёмон қилибди ва зулм қилибди», дейилган.

Бу ҳадисдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам турли одамларга ҳеч эринмай, шариат амалларини ўргатганларини билиб оламиз.

Аъробий (таълим кўрмаган саҳролик араб) келиб: «Менга таҳоратни ўргатиб қўй», деса ҳам «Хўп» деб, ўргатаверганлар. Бирорта саҳобийга «Бунга таҳоратни сен ўргатиб қўй», демаганлар. Ўша аъробийга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювиб кўрсатганлар ва:

«Таҳорат мана шундай, ким бундан зиёда қилса, батаҳқиқ, ёмон қилибди, ҳаддан ошибди ва зулм қилибди», дедилар».

Яъни, таҳорат мана шу мен кўрсатгандек қилинади. Бундан зиёдаси мумкин эмас, ким зиёда этиб, уч мартадан ошириб юборса, ёмон иш қилган, шариатнинг чегарасидан чиққан ва ўзига зулм қилган бўлади, дедилар. Шундан таҳоратда аъзоларни уч мартадан ортиқ ювмаслик кераклиги кўринади.

نَا هُنَّ عُلَلُ اِيضَرٍ سَنَانَا نَع
مَلَسَوِ هِيَلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا
ءَامُ نَمُ اَفَكَ دَخَا اَضَوَات اِذَا نَاكَ
هَبَلَلَّخَفِ هَكَنَحَ تَحَتُ هَلَّخُ دَاْف
يَبَرِي نَرَمَا اَذَكَ هَلَاقُو هَتَيُّ حَل

إِذَا هَلَوُ بِذِمَّتِ لَأَوْ دُوَادُ وَبِأَهْ أَوْرِ
عَبَّاصًا نَبِيَّ لَلْخَفَاتِ أَضَوَّتْ
كَيْلُ جَرَوِ كَيْ دِي

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилсалар, бир ҳовуч сув олиб, жағлари остига киритиб, у билан соқолларининг орасига сув етказар ва «Роббим мени шундай қилишга амр этган», дер эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривоятида:

«Қачон таҳорат қилсанг, икки оёғинг ва икки қўлингнинг панжалари орасига сув етказ», дер эдилар», деб келган.

Бу ҳадисда сув етмай қолиш эҳтимоли бор бўлган жойлар – жағ остидаги соқолни ва қўл-оёқ панжаларининг орасини алоҳида эътибор билан ювиш кераклиги таъкидланмоқда. Бу ишга катта аҳамият бермоқ керак.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ دِرْوَتُ سُمْلَانَعُ
هُلَلَا يَلَّصُّ بِنَلَاتِيَّ أَرَّ: لَأَقِ
لَلْخَفَاتِ أَضَوَّتْ إِذَا مَلَّسَ وَهِيَ لَع
هُ أَوْرِ: هِرَّصُنَّ خَبَّ هِيَ لَجَرَّ عَبَّاصًا
دُوَادُ وَبِأَهْ يَذِمَّتِ لَأ

Муставрид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилсалар,
жимжилоқлари билан оёқлари панжалари орасини ювганларини
кўрдим».**

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда оёқ панжаларининг орасига жимжилоқлари билан сув етказиш кераклиги баён қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.